



БОҒЛАР ВА ТОКЗОРЛАРДА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИДА БАЖАРИЛАДИГАН АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР



Бугунги кунда ер юзида иқлимининг кескин ўзгариши, бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалигига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳавонинг анимал исиб кетиши ёки кескин совиб кетиши натижасида бир қанча боғ-токзорларга салбий таъсир кўрсатганлиги бизга маълум. Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда ҳар бир мавсумда боғ-токзорларда ўз вақтида мавсумий, маълум бир агротехник тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда. Ҳозирда юртимиизда куз мавсуми.

Куз ойларида боғ-токзорларда келгуси йилда сифатли ва мўл-кўл ҳосил олиш учун қуидаги тадбирларни амалга ошириш зарур ҳисобланади.

- Боғ-токзорлардаги тўкилган баргларни йиғиб олиш ва даладан ташқарига чиқариб ташлаш;
- Боғ ва токзорларнинг атрофини 25-30 см чуқурликда ағдариш;
- Мевали дaraohтларнинг касалланган новдаларини кесиб ташлаш;
- Қуриб қолган, синган новдаларни қирқиб олиб ташлаш;
- Боғ қатор ораларини шудгорлаш ишларини амалга ошириш;
- Об-ҳаво шароитига қараб, ёғингарчилик бўлмаган кунларида дaraohтларнинг барглари 70-80 % тўкилган боғларни монилиоз, парша ва бошқа касалликларга қарши Фиталовин+Фармойед (10 л сувга 20 г + 5 г) ёки карбомиднинг 6 ёки бордо суюқлигининг 3 фоизли эритмаси билан жиққа ҳўл қилиб ювиш;
- Ноябр-декабр ойларида дaraohтларга яҳоб суви бериш.



Ушбу агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш натижасида боғ-токзорларни қишки мавсумга тайёргарлиги таъминланади ва келгуси йилда сифатли мўл ҳосил олишга эришилади. Шу билан бир қаторда боғларда, мевали дараҳтларни биринчи галда ўрик, шафтоли, олхўри, гилос, йирик мевали олча дараҳтларининг тана ва она шоҳларини оқлаш талаб этилади. Бунда 10 л сувга 2 кг тупроқ, 1,5 кг оҳак ҳамда мол шатмоғи кўшиб аралашма тайёрланиб оқланса, оқланган жой тез ювилиб кетмаслигини тажрибали фермерларимиз жуда яхши билишади.

Шунингдек, олимларнинг таъкидлашича боғларни шудгорлашдан олдин ҳосилли боғларга ҳар 2-3 йилда бир маротаба гектарига 20-40 тонна органик ўғит (гўнг), йилига минерал ўғитлардан соф ҳолда фосфор 150-180 кг, калий 50-60 кг солиниб, боғлар 35-40 см, токзор қатор оралари эса 25-35 см чуқурликда шудгорлаш талаб этилади. Шунда боғ ва токзорлардан юқори сифатли ҳосил олиш имкони мавжуд бўлади. Бўз тупроқлардаги боғ ва токзорларга ҳар йили соф ҳолда 60-90 кг фосфор ва 60 кг калий солинишини мақсадга мувофиқ бўлиб, бу орқали боғ ва токзорларнинг ҳосилдорлиги ҳамда турли касалликларга ва совуққа чидамлилигини ошириш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, ток новдаларини кесища энг аввало касалликлар билан заарланган новда ва занглар қирқиб олиниб, ток плантациясидан ташқарига олиб чиқилиб ёкиб юбориш талаб этилади. Кесилган ток туплари кўндоқланиб ётқизилгач, кўмишдан олдин оидиум (кул), антракноз ва рак касалликларига қарши 3 фоизли бордо суюқлиги ёки 5 фоизли оҳак-олтингугурт қайнатмаси билан ёки мис купоросининг 1 фоизли ёки темир купоросининг 3 фоизли эритмаси билан ишлов берилиши (пуркаш) зарур бўлади. Токлар тўлиқ кўмилгандан сўнг қатор ораларига минерал ўғитлардан соф ҳолда фосфор 90-120 кг, калий 40-45 кг ҳамда 10-15 тонна маҳаллий ўғит солиниб, тупроқ 25-30 см чуқурликда шудгорлаш амалга оширилади. Шу билан бирга қатор ораларини суғориш ҳам ижобий натижа беради.

*Мақола муваллифи
Нортожийев Бобошер
Тошкент давлат аграр университети
“Мева-сабзавотчилик ва узумчилик” кафедраси катта ўқитувчиси*